

ЎҚИТУВЧИ ёхуд ЧИНОРЛАР ҲИКОЯСИ

(хужжатли пьеса)

Пьесадаги воқеалар Андижон вилояти, Шаҳрихон тумани, Аҳмадбек қишлоғида кечади. Ёш журналист йигит, марҳум давлат арбоби Шароф Рашидов фаолиятини ўрганиш учун Андижонга келиб, меҳнат фахрийси Оқйўл ака билан учрашади. Собиқ муаллим Оқ йўл ака унга қишлоқ мактабини томоша қилдиради ва мактабнинг қурилиш тарихини сўзлаб беради. Шаҳрихон туманидан сайланган депутат Шароф Рашидов, 1978 йил, эрта баҳорда Аҳмадбек қишлоғига келади. Қишлоқда ўрта мактаб йўқ, бошланғич мактаб эса ўқувчиларга торлик қилаётган эди. Рашидов қишлоқда қуролдош дўсти Маъруфжон Мусаев билан, раҳбарлар, ўқитувчилар ва қишлоқ кишилари билан учрашади. Мактаб лойиҳасига ўзи бош-қош бўлиб, олти ой ичида икки қаватли мактабни биткизади. У ўзининг олийжаноблиги, камтарлиги ва юксак маданияти билан қишлоқлик устозлар – Оқйўлбек ва Салтанатнинг юрагидан чуқур жой олади. Улар кекса ёшларигача Рашидов хотирасига содиқ қоладилар.

Пьеса бугунги кунда, Шаҳрихонда истиқомат қилаётган меҳнат фахрийлари – Салтанат опа ва Оқйўлбек ака ҳикоялари асосида ёзилди.

Муаллиф

ИШТИРОКЧИЛАР:

РАШИДОВ – 62 ёш. Шароф Рашидович, Ўз ССР биринчи котиби, халқ ноиб, шоир ва ёзувчи. Доим мийиғида кулиб турувчи, хушфёъл раҳбар.

МУСАЕВ – 65 ёш. Колхоз раиси Маъруфжон ота. Рашидовнинг қуролдоши. Бошида дўппи, эғнида гальифе шим, этик ва костюм.

САЛТАНАТ – 30 ёш. Қишлоқ мактаби директори. Кичик жуссали, серхаракат, хозиржавоб. (*Хозир ҳаёт*).

ОҚЙЎЛБЕК – 35 ёш. Қишлоқ мактаби илмий мудираи. (*Хозир ҳаёт*).

УСМОНХЎЖАЕВ – 50 ёш. Иномжон Бузрукович. 1974-78 йилларда Андижон вилоятининг раҳбари.

МИРЗАҲМЕДОВ – 45 ёш. Туман халқ маорифи бўлими мудираи.

АРХИТЕКТОР – 40 ёш. Кўзойнакли, муҳандис меъмор.
ФРОНТЧИ – 60 ёш. Икки кўли йўқ, жаҳон уруши ногирони.
ЙИГИТЧА – 25 ёш. Фронтчининг ўғли.
ЎҚИТУВЧИ – 30 ёш. Бошланғич синф муаллими.
ЖЎРАЕВ – 40 ёш. Совхоз директори.
АНДРОПОВ – 65 ёш. Давлат арбоби.
ЦВИГУН – 60 ёш. Давлат арбоби, генерал формасида.
МЕЛКУМОВ – 50 ёш. Давлат арбоби, генерал формасида.
ОҚЙЎЛ АКА – 75 ёш. Оқйўлбекнинг кексалик даври.
ЖУРНАЛИСТ – 35 ёш. Тошкентлик меҳмон.
Шу жумладан: фотграф, ўқитувчилар ва ўқувчилар.

* * *

Биринчи кўриниш.
РАШИДОВ ИЗИДАН
(2018 йил, куз)

Андижон вилояти, Шаҳрихон тумани, Аҳмадбек қишлоғида жойлашган мактаб ховлиси. Орқа томонда баланд чинорлар ва икки қаватли мактаб биноси кўзга ташланади. Ора-чора болаларнинг шовқин-суронлари эшитилиб туради. Оқйўл ака ва Журналист кирадилар. Журналист атрофни телефонда суратга олади.

ЖУРНАЛИСТ. Оқйўл амаки, бу мактабни Шароф Рашидов курдирган, дейшади. Шу ростми?

ОҚЙЎЛ АКА. Ҳа, рост. Ўшанда Рашидов ота бизнинг тумандан депутат бўлганлар. Шаҳрихонга тез-тез келиб турардилар.

ЖУРНАЛИСТ. Ўзи билан учрашганмисиз?

ОҚЙЎЛ АКА. Икки марта учрашганман. Бундан қирқ йил аввал...
(*Ишора қилиб*). Худди мана шу мактаб ховлисида, мана шу ерда кўл бериб сўрашганман.

ЖУРНАЛИСТ (*телефонини созлаб*). Шошманг, Оқйўл амаки, мен овозингизни ёзиб олай. (*Унга телефонни яқинлатиб*). Энди гапираверинг. Олдин Рашидов ҳақида сўзлаб беринг. Масалан, унинг характери, ўзини тутиши қандай эди?

ОҚЙЎЛ АКА. Қандай десам бўлади... Очиқ юзли, истараси иссиқ, кўллари иссиқ, нигоҳи самимий, халол-пок инсон эди.

ЖУРНАЛИСТ. Мана, ўзингиз биласиз, Шароф Рашидовнинг хотираси тикланди. Юз йиллиги нишонланди. Жиззах вилоятида катта ёдгорлиги ўрнатилди. Бу арбобнинг шаҳсияти шу иззат-хурматга арзийдими?

ОҚЙЎЛ АКА (*тўлқинланиб*). Арзийди! Албатта, арзийди! Биз бу кунни қирқ йил кутиб яшадик. Шароф Рашидов бунёдкор, ғайратли раҳбар эди. Келажакни кўра билган донишманд инсон эди. (*Чуқур хўрсиниб*). Эҳе-ей, бундай одам дунёга кам келади, аллоҳ раҳмат қилсин.

ЖУРНАЛИСТ. Аммо у халқни мажбурий меҳнатга солиб қийнаган.

ОҚЙЎЛ АКА. Бу мажбурий меҳнат ўттизинчи йиллардан бошланган. Халқимиз ихтиёрий-мажбурий ишлаб нон еган. Аммо Рашидов даврида ҳаётимиз анчагина енгиллашди. Бирорта милиса қурол тақмаган, таёқ кўтариб юрмаган.

ЖУРНАЛИСТ. Лекин меҳнат ўша-ўша давом этган?

ОҚЙЎЛ АКА. Агар меҳнат қилмасак очимиздан ўлардик. Москва бизга текинга нон бериб қўярмиди. Биз унда эркисиз эдик, қарам республика эдик.

ЖУРНАЛИСТ. Демак, унинг ҳайрли ишлари ҳам бўлган?

ОҚЙЎЛ АКА. Ҳайрли ишлари жудаям кўп бўлган. Мана шу мактаб қирқ йилдан бери халқимизга хизмат қиляпти. Рашидов раҳбар бўлиши билан мактаб-маорифга эътибор кучайди. Деярли ҳамма мактаблар қайта қурилди. У ҳар бир қурилиш жойига бориб, ишни шахсан назорат қиларди. Республикада унинг пой-қадами етмаган жой қолмаган. (*Журналистга тикилиб, норози*). Нега куляпсиз? Бу яхши эмас.

ЖУРНАЛИСТ (*шоша, хижолатли*). Йўқ-йўқ, илтимос, мени нотўғри тушунманг, Оқйўл амаки. Мен бошқа нарсага кулдим. Дадам, ойим, бувим ҳам, бобом ҳам сизга ўхшаб Рашидовни яхши кўришарди.

ОҚЙЎЛ АКА. Бу табиий, биз унинг даврида тинч-омон яшадик. Хотиржам яшаган давримиз шу давр бўлди, холос. Рашидов ота даладаги деҳқон билан ҳам кучоқлашиб кўришарди. Кўпчилигини номма-ном танирди. У юзлаб шаҳар-қишлоқларни барпо қилди. Олтита вилоятни ўн иккитага айлантирди. Минг-минг гектар янги ерлар очди. Хозир ўттиз беш миллион аҳоли ана шу ерлардан ризқини териб яшаяпти. Шунинг учун биз унинг ҳаққига дуо қиламиз.

ЖУРНАЛИСТ. Аммо кимлардир уни айблайдилар..?

ОҚЙЎЛ АКА. Улар ҳақиқатдан беҳабар кишилар. Ҳасадгўйларнинг гапига парво қилманг. Ёмон оғиздан яхши гап чиқмайди.

ЖУРНАЛИСТ (*бош чайқаб, ўйланиб*). У шунчалик идеал шахсмиди?

ОҚЙЎЛ АКА. Қанчалик идеалигини билмадим. Аммо Рашидов менга сеҳрли одам бўлиб туюлади. Мана шу бир жуфт чинорни у ўз қўли билан эккан. Бир умр шу мактабда ишлаб, умрим шу чинорлар соясида ўтди. Ҳар сафар мактабга келганимда булар менга ёшлимни эслатади. Гўё нуроний ҳикоячидай ҳикоя айтади.

ЖУРНАЛИСТ. Чинорлар ҳикояси денг? Мен ҳам ўша ҳикояни эшитай. Менга ҳам айтиб беринг.

ОҚЙЎЛ АКА. Олдин сизга мактабни кўрсатаман, меҳмон. Мактаб бугунги замон талабига тўлиқ жавоб беради. Кейин кутубхонани томоша қилгани борамиз.

ЖУРНАЛИСТ. Кутубхона бошқа жойдами?

ОҚЙЎЛ АКА. Ҳа, кутубхона алоҳида ховлида жойлашган. Айлан-атрофи ойнаванд девор билан ўралган. Тошкентдаги цирк биносига ўхшаш, гумбазли қилиб қурилган.

ЖУРНАЛИСТ (*юқорига тикилиб*). Чинорларнинг ҳайбатини кўринг. (*Телефонда суратга олиб*). Булар ёзда росса салқин берса керак.

ОҚЙЎЛ АКА (*чиқа бошлайди*). Юринг, меҳмон, қани, ичкарига марҳамат.

ЖУРНАЛИСТ (*унга эргашиб*). Оқйўл амаки, Рашидов билан биринчи учрашувингиз қандай бўлганди?

Чиқадилар.

Зулмат чўкади.

* * *

Иккиччи кўриниш.

ҚУРОЛДОШ

(1978 йил, баҳор)

-2-

Қирқ йил аввалги эски мактаб ховлиси. Ўртага қизил ёпқичли битта стол ва бир неча стуллар қўйилган. Орқа томонда бир қаватли эски мактаб биноси кўриниб туради. Ора-чора болаларнинг шовқин-суронлари эшитилмоқда. Мусаев ва Салтанат кирадилар.

МУСАЕВ. Чарчамаяпсанми, қизим?

САЛТАНАТ. Чарчашга вақт йўқ, Маъруф амаки.

МУСАЕВ (*кулиб*). Майли, қизим, майли. Хозир қанча кўп ишласак, шунча кўп ютамиз. Илгари эртадан қаро кечгача бир коса аталага ишлардик. Энг қизиғи, (*кинояли кулиб*), кузда қарздор бўлиб чиқардик.

САЛТАНАТ. Урушдан кейинги пайтлар оғир бўлган экан а?

МУСАЕВ. Оғир бўлганда қандок, болам. Меҳнат қилиб рохатини кўрмаганмиз. Хозир, худога шукур, марказдан ҳақимизни ундирияпмиз. Юртимиз аста-секин обод бўляпти. Худога шукур, қорнимиз нонга тўйди. Катта-катта қурилишлар бўлди. (*Мактабни томоша қилиб, бош чайқаб*). Ҳа, ўртоқ директор, мактабинг эскириб қолибди.

САЛТАНАТ. Бунинг устига, бизга торлик қиляпти.

Иккиси ичкарига кириб, айланиб юриб, яна ортга қайтадилар.

МУСАЕВ. Бу ерда бошланғич синфлар ўқийдими?

САЛТАНАТ. Ҳа, фақат бошланғич.

МУСАЕВ. Юқори синфлар қайда ўқийди?

САЛТАНАТ. Қўшни қишлоқда.

МУСАЕВ. Э, узоққа қатнашарканда?

САЛТАНАТ. Илож қанча.

МУСАЕВ. Ҳа, майли, ташвиш қилма. Эртага командир келса, бу муаммо ҳал бўлади.

САЛТАНАТ (*тушунмай*). Қанақа командир?

МУСАЕВ. Менинг командиримда.

САЛТАНАТ. Ким у, Маъруф амаки?

МУСАЕВ. Сен кимни кутяпсан?
САЛТАНАТ. Шароф Рашидовни.
МУСАЕВ. Ана шу Рашидов менинг командирим бўлади.
САЛТАНАТ (*ажабланиб*). Урушда бирга бўлганмисиз?
МУСАЕВ. Ёнма-ён туриб жанг қилганмиз. (*Четга*). О-оҳ, у кунларни кўргулик ҳам қилмасин, эслагулик ҳам қилмасин. Отинг ўчсин уруш...
Салтанат эса хавас билан унга тикилиб қолади.

-3-

Ташиқаридан Оқйўлбекнинг овози эшитилади.
ОҚЙЎЛБЕК ОВОЗИ. Хой, болалар! Қувлашма! Йиқилиб тушасанлар!
Кўмир пакирларни кўмирхонага оборинглар, мен хозир келаман!
Комбинизон кийган Оқйўлбек шошилиб киради.
САЛТАНАТ. Ишни тугатдингларми?
ОҚЙЎЛБЕК. Ховли тартибга солинди, директор. Печкаларни кўмирхонага обориб қўйдик.
САЛТАНАТ. Раҳмат, Оқйўл ака.
ОҚЙЎЛБЕК. Ичкари хоналар нима бўлди?
САЛТАНАТ. Ҳамма хоналар топ-тоза. Ховлини супур-сидир қилиш қолди.
Оқйўлбек, Мусаевни кўриб қолиб, шошилиб келиб сўрашади.
ОҚЙЎЛБЕК. Ассалому алайкум, Маъруф амаки!
МУСАЕВ (*қўлини сиқиб*). Алайкум ассалом, Оқйўл, ишлаб турибсанми?
ОҚЙЎЛБЕК. Раҳмат, раис бува!
САЛТАНАТ. Оқйўл ака, янгилик!
ОҚЙЎЛБЕК. Қандай янгилик, директор?
САЛТАНАТ. Маъруф амаким Рашидов ота билан қуролдош эканлар.
ОҚЙЎЛБЕК. Ростданми! Урушда бирга бўлганмисиз?
МУСАЕВ. Ҳа, бирга бўлганман.
ОҚЙЎЛБЕК. Рашидов отаям оддий аскармиди?
МУСАЕВ. Йўқ, у бизга раҳбар эди.
ОҚЙЎЛБЕК. Қаерда жанг қилгансизлар?
МУСАЕВ. Москва химоясида турганмиз.
ОҚЙЎЛБЕК. Дадамлар “Рашидов урушда ярадор бўлган”, дегандилар.
МУСАЕВ. Даданг тўғри айтибди. Бу иш мени кўз ўнгимда бўлган. Шарофжон у пайтда, ўзини ўту чўққа урадиган, қони қайноқ йигит эди. Бир жангда рота командиримизга ўқ тегиб ўлди. Шарофжон ўрнидан туриб, бақириб буйруқ бериб, бизниям оёққа турғизди. Душман устига югуриб, уларни қочириб, истехкомни эгаллаб олдик. Мундоқ қарасам, ёнимда Шарофжон йўқ, атрофни аланглаб, уни қидирдим. Сал нарида қонга беланиб, хушсиз ётибди.
Салтанат стул келтириб, қўйиб беради.

САЛТАНАТ. Ўтириб олинг, Маъруф амаки, оёғингиз толмасин.

Мусаев стулга ўтириб, ўйга чўмиб жимиб қолади.

ОҚЙЎЛБЕК. Кейин нима бўлди?

МУСАЕВ. Кейин яна устимизга ўқ ёғилишга бошлади. “Шарофжон!”, деб чақираман, уни силтаб, силкитаман, садо йўқ. Чап кўкраги билан чап билаги қонга ботиб кетган. Уни елкамга ортиб, судралиб окопга тушиб олдим. Санитарлар келиб самбатга олиб кетишди. Яраси юракка яқин эди. Докторлар икки-уч марта операция қилишди. Яримжон аҳволда ватанга қайтди. Умрида бор экан, яна оёққа туриб кетди.

САЛТАНАТ. Сиз-чи?

МУСАЕВ. Мен бир йилдан кейин Сталинградда яраландим. Уч йил деганда уйга қайтиб келдим. Шарофжон иккимиз ўшандан бери қадрдон дўстмиз.

САЛТАНАТ. Мен жудаям хаяжондаман, Маъруф амаки. Ҳатто кўркувдан оёғим қалтираяпти.

МУСАЕВ. Нимадан кўрқасан, қизим?

САЛТАНАТ. Рашидов ота билан учрашишдан.

МУСАЕВ (*кулиб*). Э, сени қара-ю! Нимага кўрқасан! Шарофжон жуда маданиятли, юшоқфеъл, покиза одам. У ёш боланиям “сиз”лаб гапиреди. Гапиргандаям китоб тилида гапиреди. Уни шунча йил таниган бўлсам, оғзидан ёмон сўз чикмаган. Иғво, ғийбат, тухмат гапларни ёқтирмайди.

ОҚЙЎЛБЕК. Бемалол гаплашсак бўлаверарканда?

МУСАЕВ. Бўлавереди, ўғлим.

САЛТАНАТ. Сал енгил тортдим. Қандай гаплашаркинман деб ташвишда юргандим.

МУСАЕВ. У билан бир гаплашсанг, яна гаплашгинг келиб, соғиниб юрасан. Ҳа, Шарофжон укам шунақа одам.

Зулмат чўкади.

* * *

Учинчи кўриниш.

ЎҚИТУВЧИЛАР.

(1978 йил, баҳор)

-4-

Жонли, қувноқ мусиқа садолари янграб, сахна ёришади. Мактаб ховлиси. Ўртага қизил ёпқичли битта стол ва бир неча стуллар қўйилган. Орқа томонда бир қаватли мактаб биноси кўриниб туради. Халқ маорифи мудирини Мирзаҳмедов, Оқйўлбек ва яна учта ўқитувчи суҳбатлашиб турадилар.

МИРЗАҲМЕДОВ (*ташвишли*). Унинг саволларига лўнда, тушунарли жавоб беринглар. Бўлар-бўлмас мавзуда гап очманглар. У шеъриятни яхши кўради. Мабодо мавруди бўлса шеър ўқиб беринглар. Лекин...

(*Огоҳлантириб, бармогини юқори кўтариб*). Лекин! Қишлоқдаги аҳволни сўраса, “ҳаммаси яхши, ҳамма нарса етарли”, денглар. Тушунарлими?

ОММА (*бош силкиб*). Тушунарли!

– Хўп бўлади!

– Шундай қиламиз!

МИРЗАҲМЕДОВ. Оқйўлбек!

ОҚЙЎЛБЕК. Лаббай, домла?

МИРЗАҲМЕДОВ. Собирова қаерда?

ОҚЙЎЛБЕК. У шу ерда, хозир келади.

МИРЗАҲМЕДОВ (*соатиға қараб*). Бу қандай тартибсизлик, ўртоқлар? Ахир бу жуда масъулиятли учрашув. Шаҳсан Шароф Рашидов келяпти! Шунга тушунасизларми ё йўқми?

Шоша-пиша Салтанат киради.

САЛТАНАТ. Ассалому алайкум.

МИРЗАҲМЕДОВ. Ҳа келдингизми, қизим.

САЛТАНАТ. Узр, болаларни учрашувга тайёрлангирдим.

МИРЗАҲМЕДОВ. Ҳа, яхши. Ўша сизга айтганимдек сўзлашинг, синглим. Агар Рашидов савол берса, мактабни кенгайтириш керак, денг.

САЛТАНАТ. Хўп.

МИРЗАҲМЕДОВ. “Биз сиздан миннатдоримиз, ҳамма ишларимиз яхши”, денг. “Бошқа камчиликлар борми?” деса, йўқ бошқа камчилик йўқ, денг. Тушундингизми?

САЛТАНАТ. Тушундим.

МИРЗАҲМЕДОВ. Ўртоқ Усмонхўжаев Рашидов отага ҳаммасини тушунтирган. Қишлоғингиз тўғрисида гап сўраса, кўп гапириб юборманг.

САЛТАНАТ. Хўп, индамай тураман.

МИРЗАҲМЕДОВ (*тажанг*). Индамай туриш ҳам ярамайди, ўртоқ директор. Рашидов ота жуда синчиков одам. У ҳамма нарсани миридан-сиригача текширади. Аҳмадбек қишлоғи ҳақида фақат ижобий фикр билдиринг, демоқчиман.

САЛТАНАТ. “Ҳаммаси яхши десак”, қурилиш тўхтаб қолмайдими?

МИРЗАҲМЕДОВ (*бош чайқаб*). Йўқ, Собирова, тўхтаб қолмайди.

САЛТАНАТ. Менга директор бўласан, деб, энг қоқоқ мактабни бердинглар. Каталакдек тўртта хонада дарс ўтгандимиз.

ОҚЙЎЛБЕК. Муаммоларни очик айтиш керак.

САЛТАНАТ. Тўппа-тўғри.

ОҚЙЎЛБЕК. Дардни яширсанг иситмаси ошкор қилади.

САЛТАНАТ. Ҳа!

МИРЗАҲМЕДОВ (*уф тортиб*). Эҳ, ёшлар, ёшлар! Шароф Рашидович ўзи сўраб-суриштириб, ҳаммасини билиб бўлган. (*Бўй чўзиб қараб*). Ана, улар биз томонга келишяпти! Сизлар шу ерда кимираммай туринглар. Ўргатганимдек чиройли саломлашинглар.

ЎҚИТУВЧИ (*эгилиб, қўл қовуштириб*). Хўп бўлади!

МИРЗАҲМЕДОВ (*тажанг*). Э, бунчалик эгилиб-букилманг! У бунақа нарсаларни ёқтирмайди. (*Кўлини бегиз қилиб, ўз гавдасини тик тутиб кўрсатиб*). Қаддингизни мана бундай ғоз тутиб, фахр билан дадил-дадил гаплашинглар!

У тез-тез юриб, чиқади.

-5-

Ўқитувчилар хаяжонланиб, Мирзаҳмедовнинг ортидан бўй чўзиб қарайдилар. Бир муддат сукутга толиб турадилар.

ЎҚИТУВЧИ (*жилмайиб, қувноқ*). Қаранглар, Рашидов жуда содда киши экан! (*Ховлиқиб*). Ҳамма билан қўл бериб сўрашди!

ОҚЙЎЛБЕК (*қувноқ*). Ҳа, ўзимизга ўхшаган жайдари экан!

САЛТАНАТ. Маъруф амаки тўғри айтган экан.

ЎҚИТУВЧИ. Бориб сўрашайлик, бу туришимиз одобданмас.

ОҚЙЎЛБЕК. Бизга “шуерда кимирламай туринглар”, дейилди.

Ўқитувчи бош силкиб қўяди. Улар бир муддат индамай кузатиб турадилар.

ЎҚИТУВЧИ. Униям болалари теримга чиқаркан.

САЛТАНАТ. Ўзининг фарзандлари-я?

ЎҚИТУВЧИ. Ҳа, домлаларим айтиб беришган. Ҳамма боласи аъло баҳога ўқиркан.

ОҚЙЎЛБЕК. Бизда амалдорнинг боласига тегиб бўлмайди.

ЎҚИТУВЧИ. Куз келиши билан касалхонага ётиб олишади.

Омма гурр кулади.

САЛТАНАТ. Эй, кулманглар, раҳбарлар нотўғри тушунишади.

ЎҚИТУВЧИ. Бўлди, жиддий турайлик.

Орага қисқа сукунат чўкади.

САЛТАНАТ (*оммага*). Айтгандай, Рашидовнинг китобларини ўқиганмисизлар?

ОММА (*баробарига*). Ўқиганмиз, ўқиганмиз.

ОҚЙЎЛБЕК. Мабодо сўраб қолса, ўқимаганлар жим турсин, шарманда бўламиз.

САЛТАНАТ. Меҳмонлар кетишгандан кейин ҳаммангизни текшираман. (*Ташқарига бўй чўзиб, хаяжонланиб*). Бўлди, жим туринглар! Биз томонга юришди!

Омма ташқарига томон бурилиб, дарров бир сафга тизилиб, қўл қовуштиради.

-6-

Рашидов қўлини кўксига босиб, жилмайган ҳолда киради. Унинг ортидан Усмонхўжаев ҳамда Мирзаҳмедов кирадилар. Фотограф кириб, фотовспышка билан уларни суратга ола бошлайди.

РАШИДОВ (*кўтаринки*). Ассалому алайкум, устозлар!

ОММА (*аралаш-қуралаш*). Алайкум ассалом! Хуш келибсиз! Хуш келибсиз!

РАШИДОВ. Кутиб қолмадингларми? (*Оқйўлбек билан қўл олишиб сўрашиб*). Яхшимисиз, ука!

ОҚЙЎЛБЕК (*эгилиб*). Ассалому алайкум!

РАШИДОВ. Алайкум ассалом! (*Салтанат билан сўрашиб*). Қизим, хорманг!

САЛТАНАТ. Саломат бўлинг, Шароф Рашидович!

РАШИДОВ (*ўқитувчига қўл бериб*). Қандайсиз, ука? Ишлар яхшими?

Чақин чақнатиб, фотограф уларни суратга олади.

ЎҚИТУВЧИ (*сўрашиб*). Раҳмат! Ассалому алайкум.

РАШИДОВ. Алайкум ассалом, яхши йигит! (*Ҳамма билан сўрашиб бўлгач*). Сизлар билан танишганимдан ғоят хурсандман, азиз устозлар! Кутдириб қўйганимиз учун узр, йўлда бироз ушланиб қолдик. (*Атрофга назар ташлаб*). Ҳим... Бу ер, демак, бошланғич мактаб... (*Оммага юзланиб*). Аҳвол чатоқ, ўртоқлар. Аҳоли сонига кўра, Аҳмадбек қишлоғида аллақачон катта мактаб қуриш керак эди. Бу қанақаси бўлди, Иномжон?

УСМОНХЎЖАЕВ. Кўп қишлоқларда қурилиш қилдик, Шароф Рашидович. Аммо Аҳмадбек қишлоғига келганда фонд тугаб қолди.

РАШИДОВ. Фонд масаласида бизга мурожаат қилиш керак эди. Мактаб учун қаердан бўлмасин маблағ топардик. Сметаси уч миллиондан паст лойиҳаларни ўзимиз хал қиламиз. (*Атрофга ишора қилиб*). Мана бу аҳволни кўринг. Шу мактаб бугунги кун талабига жавоб берадими? Болаларимиз пухта илм олиши учун ҳамма шароитни яратиш бериш керак.

УСМОНХЎЖАЕВ. Албатта, Шароф Рашидович.

РАШИДОВ (*Мирзахмедовга*). Мактабнинг директори ким?

МИРЗАҲМЕДОВ (*кўрсатиб*). Директоримиз мана шу киши – Салтанат Собировна.

Рашидов Салтанатга тикилиб, қувончи ичига сизмай жилмаяди.

РАШИДОВ (*завқланиб*). Яшанг, Салтанат Собировна, баракалла! Сиз билан танишганимдан ғоят хурсандман! (*Оммага юзланиб*). Унга бир эътибор бериб қаранглар! Бу қизим “Синчалак” асаридаги Сайиданинг худди ўзи экан! Ўхшайдими?!

ОММА (*бош силкиб, маъқуллаб*). Ўхшайди! Ўхшайди!

РАШИДОВ (*қувониб, оммага*). Дўстларим, бир нарсага эътибор беринглар. Ўтмишда аёлларимиз олий таълим олиш, катта идораларни бошқариш нари турсин, ҳатто эркин нафас олиб яшамаганлар. Ёзувчи Абдулла Қаҳҳор ўз асарида, абжир ўзбек қизининг ёрқин сиймосини яратди. Ёшларимиз бу китобни севиб ўқидилар, Сайидадан ўрнак олдилар. Натижада, орадан йиллар ўтиб, юртимизда юзлаб Сайидалар пайдо бўлди. Улар бугунги кунда халқимиз манфаати учун курашиб, турли соҳаларда хизмат қилишяпти. Мана сизга бадиий адабиётнинг қудрати! Шуниси қувонарлики, ўзбек қизлари йил сайин юксалиб, жамиятда ўз ўринини топяпти. (*Салтанатга юзланиб*). “Синчалак”ни ўқиганмисиз, қизим?

САЛАТАНАТ. Ҳа, ўқиганман.

РАШИДОВ. Жуда яхши! Сиз ҳам Сайидага ўхшаб абжир бўлинг, энгилмас курашчи бўлинг. Зарур бўлганда раҳбарлар билан талашиб-тортишинг. Тўраларча иш юритувчи қолақ раҳбарларга бўш келманг.

САЛАТАНАТ. Хўп бўлади, Рашидов ота.

Ташиқаридан Мусаев киради. Фотограф уни суратга олади.

-7-

Омма Мусаев томон бурилади.

МУСАЕВ (*аскарчасига, кўтаринки*). Саломатлик тилайман, ўртоқ лейтенант!

РАШИДОВ (*кўтаринки*). Саломат бўлинг, қуролдош!

Иккиси аввал қучоқлашиб, кейин қўл сиқишиб саломлашадилар.

МУСАЕВ. Шаҳрихонга хуш келибсиз!

РАШИДОВ. Хушвақт бўлинг, Маъруф ака! Сиз билан яна дийдор кўришганимдан хурсандман!

МУСАЕВ (*меҳрли тикилиб*). Кўз тегмасин, ҳали ҳам ўша-ўша бардамсиз, командир.

РАШИДОВ. Раҳмат, Маъруф ака! Янгам тузукмилар? Жиянларим яхши юришибдимми?

МУСАЕВ. Худога шукур, яхши юришибди.

РАШИДОВ. Менинг нақазимни бажардингизми?

МУСАЕВ. Бажардим, ҳаммалари сиз айтгандек ўқитувчи бўлишди.

РАШИДОВ. Баракалла! Жуда ҳайрли иш қилибсиз! Хозир бизга ўқитувчилар сув билан хаводек зарур.

МУСАЕВ. Ҳудди шундай!

РАШИДОВ (*оммага юзланиб*). Ҳайрон бўлманглар, устозлар. Сизнинг раисингиз менинг қуролдош дўстим. Биз Москва остоналарида бирга жанг қилганмиз. Илгари Шаҳрихонга кўп келганман. Маъруфжон акамни кўриб, уйларида меҳмон бўлиб кетардим. Азизахон янгам ёпган юпқани мацца қилиб ердим. (*Мусаевга, кулишиб*). Айтмоқчи, ўртоқ раис, маорифчилар сиздан хафа бўлишяпти.

МУСАЕВ. Ана, холос! Нега хафа бўлишади?

РАШИДОВ. Фронтда қилган маслаҳатимиз нима бўлди? Ҳалигача қишлоққа мактаб қуриб бермабсиз. Бу қанақаси? Бу – тартибсизлик, ўртоқ сержант.

МУСАЕВ. Бу хатони албатта тузатамиз, Шароф Рашидович!

РАШИДОВ (*оммага юзланиб*). Менам аслида ўқитувчиман, ҳамкасблар. Биз ишлаган пайтларда синф хоналари совуқ, заҳ, қоронғи эди. “Қани эди, доскамиз силлиқ бўлса, ўқувчилар оппоқ дафтарларга ёзишса, янги китоблар ўқишса,” деб орзу қилардим. Ўқув қуроллари етишмасди. Совуқ хонада қалтираб ўтирган ўқувчиларни бир тасаввур қилиб кўринг. Оғизларидан буғ чиқиб, тишлари тақирлаб, тез-тез йўталиб ўтиришарди.

Грипп тарқалган пайтларда ҳаммалари касал бўлиб, уйларида ётиб қолишарди.

Ўқитувчилар ачиниб, бош чайқаб қўядилар.

УСМОНХЎЖАЕВ. Хозирги мактаблар эски мактаблардан яхши.

МУСАЕВ. Ҳа, ер билан осмонча фарқи бор!

ОММА (*баробар*). Тўғри! Тўппа-тўғри!

Орага сукунат чўкади.

РАШИДОВ (*жилмайиб, ўйчан*). Бу гап тўғрилиқка тўғри, дўстларим. Лекин, бу жуда эски гап. Қирқ йил аввалги гап. У кунлар ўтмишда қолди. Биз бугунги кун ўлчамида фикр юритаёлик. Ёш авлод чуқур билим олиб, соғлом ўсиши учун мукамал шароит яратаёлик. Энг чекка қишлоқда ҳам замонавий медпункт, боғча, мактаб, кутубхона, спорт майдончалари бўлиши шарт. (*Усмонхўжаевга*). Сиз, Иномжон, мактаб-маориф ишларини қаттиқ назорат қилинг.

УСМОНХЎЖАЕВ (*ёнидан блокнот олиб*). Хўп бўлади, Шароф Рашидович.

РАШИДОВ. Хар бир депутат ғайрат билан ишласин. Бу соҳадаги камчиликларни пухта аниқлаб, бизга хабар берсин.

УСМОНХЎЖАЕВ (*блокнотиغا ёзиб*). Хўп бўлади.

Фотограф оммани суратга олиб, чиқиб кетади.

-8-

Архитектор қўлида қувурча қилиб ўралган лойиҳа билан кириб салом беради.

РАШИДОВ. Мана, архитектор ҳам келди. (*Унга яқинлашиб, сўрашиб*). Қани, лойиҳани кўрсатинг-чи, ука.

АРХИТЕКТОР (*сўрашиб*). Мактаб билан кутубхона лойиҳаси алоҳида чизилган. Олдин қайси бирини кўрасиз?

РАШИДОВ. Мактабни кўрсата қолинг.

Архитектор бош силкиб, ватманга туширилган лойиҳалардан бирини стол устига очиб қўяди. Рашидов, Усмонхўжаев ва Мусаевлар уни томоша қиладилар. Маорифчилар уларнинг ортидан келиб, лойиҳага бўй чўзиб қарайдилар.

МУСАЕВ. Мактаб икки қаватли бўладими?

РАШИДОВ (*лойиҳага тикилиб*). Албатта икки қаватли бўлади. Йилдан-йилга аҳоли сони ўсиб борапти. Хозир каттароқ қилиб қурмасак, беш-олти йилдан кейин қайта қуришга мажбур бўламиз. (*Оммага*). Тўғрими, ўртоқлар?

ОММА. Тўғри, тўғри!

ОҚЎЙЎЛБЕК (*Салтанатга*). Икки қаватли!

САЛТАНАТ (*қувониб*). Қандай яхши!

РАШИДОВ (*кўтаринки*). Сизларни хурсанд қилиб қўяй, дўстларим! Ўтмиш учинчи йилда Ўзбекистон аҳолиси салкам ўн уч миллион эди. Шу

йил – етмиш саккизинчи йилда, аҳоли сони деярли ўн беш миллионга етди. Бу ҳолатга масъулият билан қарашимиз керак. Демак, Ўзбекистон аҳолиси ҳар беш йилда икки миллионга ўсяпти. Яна ўн йилдан кейин йигирма миллионга етиб қоламиз. (*Мусаевага, хитоб қилиб*). Раис, сиз бунга нима дейсиз?!

МУСАЕВ (*кўтаринки руҳда*). Нимаям дердим. Баракасини берсин, дейманда!

Омма гурр кулади.

РАШИДОВ (*енгил кулиб*). Яхши, яхши! (*Оммага*). Келинлар, мақсаддан чалғимайлик. (*Бироз лойихани томоша қилиб, Архитекторга*). Умуман олганда лойиха яхши. Мактабнинг ташқи кўриниши чиройли бўлиши ҳам муҳим, албатта. Лекин энг муҳими, иқлим шароитимизни инобатга олиш керак. Бизнинг ёзимиз жуда иссиқ, қишимиз эса совуқ. Куз билан баҳор серёмғир. Шунинг учун синф хоналари ёзда шинам, қишда иссиқ бўлсин. Ўқувчилар синф хоналарида яйраб ўтиришлари керак. (*Лойихадаги нуқталарни кўрсатиб*). Мана бу жойларни қайта ишланг, деразаларни кенгайтиринг.

АРҲИТЕКТОР (*лойиҳага ручка билан ёзиб*). Тушундим, Шароф Рашидович.

РАШИДОВ. Синф хоналарига коридор томондан кичик деразалар кўйинг, ҳам ёруғ бўлади, ҳам шабода юради.

АРҲИТЕКТОР. Унда қишда иситиш муаммоси туғилади.

РАШИДОВ. Сиз ойналарни икки қаватли қилиб, иситиш батареяларни кўпайтиринг.

АРҲИТЕКТОР (*лойиҳа четига ёзиб*). Аха, тушунарли.

РАШИДОВ (*ўқитувчиларга*). Устозлар, қишлоқда кўмир муаммоси йўқми?

ОММА. Йўқ! Муаммо йўқ!

РАШИДОВ. Яширмай очик айтинлар, ахир мен Шаҳрихон туманидан депутатиман. Тумандаги муаммоларни билишим шарт.

Омма жавоб беришга тўхталиб, Усмонхўжаев томон қараб-қараб қўядилар.

САЛТАНАТ. Бизга ҳар йили кузда кўмир берилади. Бундан ташқари, қишлоғимизда табиий газ бор.

РАШИДОВ. Газнинг оқими яхшими? Узлуксиз газ бериладими?

САЛТАНАТ. Ҳа, узлуксиз берилади.

РАШИДОВ. Жуда яхши. (*Архитекторга*). Мана, ука, ўзингиз эшитдингиз. Бизда ёқилғи муаммоси йўқ. Қозонхона тизимига кутубхона билан лимонарийни ҳам улайсиз.

АРҲИТЕКТОР. Лекин лимонарий лойиҳага киритилмаган.

РАШИДОВ. Сиз лойиҳага киритинг. Ўқувчилар лимонли чой ичишса таналари яйрайди. Тўғрими?

АРҲИТЕКТОР (*лойиҳага ёзиб*). Тўғри, Шароф Рашидович.

РАШИДОВ (*оммага*). Шу мактаб сизларга маъқулми, ўртоқлар?

ОММА (*мамнун*). Маъқул! Раҳмат! Раҳмат!

УСМОНХЎЖАЕВ. Жуда маъқул.

РАШИДОВ. Энди кутубхона лойихси билан танишамиз.

Архитектор столга кутубхона лойихасини ёди. Рашидов ва бошқалар лойихани томоша қиладилар.

АРХИТЕКТОР. Лойихани ўзингиз тайинлаган шаклда ишладик. Бино атрофи китобхонлар дам олиб ўтираган гулзор бўлади. Мана бу чироқлар остига сўрилар ўрнатилади. (*Ручкаси билан кўрсатиб*). Бино ичкараси битта кенг залдан иборат. Кутубхона ўртасига ўқув бўлими жойлашади. Ичкари ёруғ бўлиши учун ҳамма деворлар ойнадан қурилади. Кириш эшиги икки қанотли. Томи гумбаз шаклида бўлади. Гумбаз устига эса байроқ ўрнатамиз.

РАШИДОВ (*лойихдан кўз узмай*). Ҳим... яхши, умуман олганда яхши. Эшик битта холосми? Бундай катта бинога икки томондан эшик қуриш керак. (*Кўрсатиб*). Гулзорга чиқиш учун мана бу томонига яна битта эшик қуришлар.

АРХИТЕКТОР (*лойиха четига ёзиб қўйиб*). Хўп бўлади.

РАШИДОВ. Гумбаздаги байроқни олиб ташланг. Кутубхона харбий идора эмас. Тўғрими?

АРХИТЕКТОР (*ёзишда давом этиб*). Тўғри.

РАШИДОВ (*ўйланиб*). Китоблар олам сирларини очувчи муъжиза. Бу кутубхонада бутун дунё адабиёти жамланади. Китобхон ер юзидаги халқлар ҳаёти билан танишади. Келинг, яхшиси, кутубхона томига ер шарининг тасвирини ўрнатамиз. Шунда у ёшларни ўзига чорловчи муъжиза масканига айланади. (*Оммага юзланиб*). Сизларга бу таклиф маъқулми?

ОММА. Маъқул! Яхши таклиф!

РАШИДОВ (*Архитекторга*). Ўзингизга ҳам маъқулми? Сиз ҳарҳолда муаллифсиз.

АРХИТЕКТОР (*бош силкиб*). Маъқул.

РАШИДОВ. Уддалай оласизми?

АРХИТЕКТОР (*ручка билан лойихага чизиб*). Ҳа, албатта, Шроф Рашидович.

РАШИДОВ. Жуда яхши! Хўш, мактаб билан кутубхона қанча муддатда битади?

АРХИТЕКТОР. Бир йилда биткизамиз, Шароф Рашидович.

УСМОНХЎЖАЕВ. Ҳа, бу қурилишга камида бир йил кетади.

РАШИДОВ. Йўк, дўстларим, олти ойда биткизиб берасизлар. Болалар янги ўқув йилини янги мактабда бошлашади. Биламан, бу осон эмас. Лекин болаларимиз келажаги учун зўр бериб ишлаймиз. Фаҳр билан, ифтихор билан ишлаймиз. (*Ўқитувчиларга бурилиб*). Тўғрими, устозлар?

ЎҚИТУВЧИЛАР (*қувониб*). Тўғри! Албатта!

Мактаб қўнгироғи жаранглайди. Омма баробар бурилиб, мактаб биноси томон қарайдилар.

РАШИДОВ (*жилмайиб*). Энг гўзал, энг ёқимли товуш мана шу мактаб кўнғироғи. Устозлар, энди сизларнинг муҳим ишингизга ҳалал бермайлик, болалар кутиб қолишди. Сухбат учун раҳмат.

Маориф ходимлари ва Архитектор эҳтиром билан ҳайрлашиб, кўтаринки руҳда чиқадилар.

-9-

Рашидов, Усмонхўжаев ва Мусаев ёлғиз қоладилар. Рашидов бирдан маъюс тортиб, бир муддат сукутга толади.

РАШИДОВ (*хўрсиниб*). Марказ билан ишлаш тобора қийинлашиб боряпти. Сибирдан сув келтириш лойихаси тасдиқланмади. Канал қурилиши масаласи яна очик қолди. Сувнинг келиши амри маҳол кўринади. Хабаринглар бор, пахта мажбурияти яна оширилди. Бу мажбурият халқимизга жуда оғир келади.

УСМОНХЎЖАЕВ. Об-хаво ҳам пасайиб кетди.

МУСАЕВ. Ҳа, серёгин йилларда пахта пишмайди.

РАШИДОВ (*ўйланиб тургач*). Иномжон!

УСМОНХЎЖАЕВ. Лаббай?

РАШИДОВ. Раҳбарлар билан фаолларни мажлисга чақиринг.

УСМОНХЎЖАЕВ. Қандай муносабат билан?

РАШИДОВ. Ҳамма районларда қора экин билан боғдорчиликка ер ажратамиз. Чорвачилик билан паррандачиликни ривожлантираамиз.

УСМОНХЎЖАЕВ (*хайрон бўлиб*). Пахта мажбурияти нима бўлади? Мажбурият оширилдику?

РАШИДОВ. Бу ҳақда ўйламанг.

УСМОНХЎЖАЕВ. Биз қайтанга пахта майдонларини кенгайтириш керак.

РАШИДОВ. Хозирги кунда сут-гўшт, тухум, полиз маҳсулотлари етарли даражада эмас.

УСМОНХЎЖАЕВ. Сизга гап тегади, Шароф ака.

РАШИДОВ (*қўл силтаб*). Майли, ука, бир гап бўлар, майли. Ахоли сони ўсиб боряпти. Хозир биз учун энг муҳим масала – озиқ-овқат таъминоти.

УСМОНХЎЖАЕВ. Хар бир қарич ер хисобда.

РАШИДОВ. Ерга дам бериш бахонасида қора экин экамиз. Маблағ ажратиб, янги экин ерлари очамиз. Ҳамма ташкилот, завод-фабрика, колхоз-совхозларда ёрдамчи хўжаликлар ташкил қиламиз. Имкон борида, марказдан кўпроқ маблағ ундириб олиш керак. Ётиб қолгунча отиб қол. Бошқаси бир гап бўлар.

Зулмат чўкади.

* * *

Тўртинчи кўриниш.

ХОРУД
(1978 йил, баҳор)

-10-

Зулмат қаърида. Велончель ижросида совуқ, лекин илдам оҳангларида куй янграйди. Саҳнанинг икки томонида, қоронғулик ичида Андропов ва Цвигун пайдо бўладилар. Юқоридан қизғин нур дастаси тушиб, уларнинг юзини ёритади.

АНДРОПОВ. Яна ёзясизми, Семён Кузмич?

ЦВИГУН. Ёзясман, Юрий Владимирович.

АНДРОПОВ. Шу ёзувчи халқидан тўйганманда.

ЦВИГУН. Биздан нима гуноҳ ўтди?

АНДРОПОВ. Бир қарасам Цвигунсиз, бир қарасам – Днепров, бир қарасам – Мишин... Мен билмаган тахалусингиз ҳам борми?

ЦВИГУН. Хозирча йўқ.

АНДРОПОВ. Ўнлаб китоблар, кинолар ёздингиз. Ёзишдан тўймадингизми?

ЦВИГУН. Ёзиш менинг тузалмас дардим.

АНДРОПОВ. Мана, Эронда ислом инқилоби ғалаба қилди.

ЦВИГУН. Афғонистонда ҳам исломий инқилоб бошланди.

АНДРОПОВ. Улар ғалаба қилса, албатта Ўрта Осиёга ёриб ўтади.

ЦВИГУН. Менимча, ёриб ўтолмайди.

АНДРОПОВ. Нахотки?

ЦВИГУН. Рашидов катта тажрибага эга. У бунга йўл қўймайди.

АНДРОПОВ (*тажанг*). Яна ўша шоир... Гўё ундан бошқа одам йўқ. Лотин Америкасида ҳам Рашидов, Хиндистонда ҳам Рашидов... Бу эркатой эса босар-тусарини билмай қолди.

ЦВИГУН (*елка қисиб*). Рашидов шунга арзийдиган ишлар қилди.

АНДРОПОВ (*захарханда*). Буни ғалвирни сувдан кўтарганда аниқлаймиз.

Зулмат чўкади.

* * *

Бешинчи кўриниш.
ДАРДЛИ ЮРАК
(1978 йил, ёз.)

-11-

Қурилишида ишлаётган машина, трактор шовқини ва ишчилар овозлари эшитилиб тургач, саҳна ёришади. Мактаб ховлиси. Қурилиш кетаётган мактаб биниси мато билан тўсилган. Ўртага қизил ёпқичли битта стол ва бир неча стуллар қўйилган. Рашидов стулда ўтириб, ниманидир вараққа ёзмоқда. Архитектор унинг ёнида тик туради.

РАШИДОВ. Мен бугун Тошкентга жўнайман, ука. Сиз билан объект битганда кўришамиз. Ҳамма масъулият сизнинг зиммангизга ўтади.
АРХИТЕКТОР. Ишончингизни оқлайман, Шароф Рашидович.
РАШИДОВ. Ишни жадаллаштиринг.
АРХИТЕКТОР. Хўп бўлади.
РАШИДОВ. (*визитка бериб*). Зарурат туғилганда телефон қилинг.
АРХИТЕКТОР (*олиб*). Раҳмат.
РАШИДОВ. Лоқайд раҳбарлар билан кескин гаплашинг. (*Ўрнидан туриб, қўл олишиб хайрлашиб*). Омад тилайман, Бахтиёржон.
АРХИТЕКТОР. Раҳмат, Шароф Рашидович.
У чиқади. Рашидов стулга ўтириб, яна ёзишга бошлайди.

-12-

Ташқаридан одамларнинг овози эшиталади. Рашидов ташқарига қараб, қўли билан ишора қилади.

РАШИДОВ (*баланд*). Майли, майли! Ўтказворинглар! Кираверишсин! (*Ўрнидан туриб*). Бемалол, бемалол!

Бир йигитча отаси ўтирган ногиронлар аравасини гилдиратиб, киради. Аравада икки қўли кесилган фронтчи, бирдек боши қимирлаб, чайқалиб ўтиради. У кўксига гвардиячи нишони ва иккита медаль таққан, бошига дўппи кийган. Йигитча тортиниб, қўлини кўксига қўйиб, чиқиб кетади. Рашидов фронтчига пешвоз чиқади ва у билан сўрашмоқчи бўлади. Фронтчининг қўллари йўқлиги ва аянчли аҳволини кўриб, юраги эзилиб, хомуш тортади.

ФРОНТЧИ (*қийналиб сўзлаб*). Ассалому алайкум.

РАШИДОВ. Алайкум ассалом. (*Бироз тикилиб тургач, елкасига қоқиб*). Бардам бўлинг, қахрамон. Саломатлик қандай?

ФРОНТЧИ. Раҳмат... яхши...

РАШИДОВ. Қаерда жароҳат олгансиз?

ФРОНТЧИ. Сталинградда.

РАШИДОВ. Ҳим, тушунарли. Ҳаёт нима бўляпти? Парвариш қилувчи одамингиз борми?

ФРОНТЧИ (*бошини эгиб*). Бор.

РАШИДОВ. Ҳа, яхши, яхши. Биздан қандай ёрдам керак?

ФРОНТЧИ (*хижолат чекиб*). Мен... мен...

РАШИДОВ. Тортинманг, жангчи, уялманг.

ФРОНТЧИ. Ўзимга қўйса...

РАШИДОВ. Пенсия оляпсизми?

ФРОНТЧИ. Ҳа.

РАШИДОВ (*ўйланиб*). Ҳим... сизни буерга бекорга олиб келишмаган. Айтаверинг, қахрамон, биздан қандай ёрдам керак?

Фронтчи унга жавдираб қараб, бироз тургач, бошини бир томонга қийшайтириб, дўпписини бошидан тушириб юборади.

ФРОНТЧИ. Кечирасиз...

Рашидов энкайиб дўппини ердан олади. Дўппи ичидаги хат ерга тушади. Рашидов хатни ердан кўтариб, ўқишга тутинади. Шу пайт шошилиб Усмонхўжаев ва совхоз директори Жўраев кирадилар.

-13-

Жўраев ташвишланиб, бир четда тўхтаб қолади. Усмонхўжаев Рашидовга яқинлашади.

УСМОНХЎЖАЕВ. Шароф Рашидович, чақиртирган кишимиз келди.

РАШИДОВ (*хатдан кўз узмай*). Хозир, Иномжон, бир дақиқа. (*Хатни ўқиб бўлгач, дўппини фронтчининг бошига кийдиради*). Ташвишланманг, дўстим, ҳамма илтимосингиз бажарилади. (*Ариза хатини столга қўйиб, тепасига кўрсатма ёзади*). Иномжон!

УСМОНХЎЖАЕВ. Лаббай?

РАШИДОВ. Фронтчи Алиевнинг оиласига моддий ёрдам ажратилсин. Уй қурилишига маблағ керак экан, оилавий аҳволини яхшилаб ўрганинг.

Унга аризани узатади.

УСМОНХЎЖАЕВ (*олиб*). Хўп бўлади. (*Аризани ўқиб кўриб, елка қисиб*). Машинаям берамизми?

РАШИДОВ. Ҳа, бепул автомобиль берамиз.

УСМОНХЎЖАЕВ. Бу киши машина минолмайдику?

РАШИДОВ. Ўғиллари бор экан, бирортаси минар.

УСМОНХЎЖАЕВ (*фронтчига, кўтаринки*). Машина қуллуқ бўлсин, ака!

ФРОНТЧИ (*эгилиб*). Раҳмат... қуллуқ... раҳмат...

Рашидов ташқарига ишора қилиб, фронтчининг ўғлини чақиради.

РАШИДОВ. Бу ёққа келинг, ўғлим! Кираверинг, тортинманг, кираверинг.

Йигитча қўлини кўксига қўйиб киради. Рашидов билан эгилиб қўл бериб сўрашади.

ЙИГИТЧА. Ассалому алайкум.

Рашидов унинг елкасига қўл ташлаб, унга тикилиб қолади.

РАШИДОВ (*бош силкиб*). Алайкум ассалом. Яшанг, отаўғил, баракалла! Сизга тарбия берган онангизга раҳмат! Отангизни шунчалик эъзозлаб парвариш қилибсиз, асло кам бўлмайсиз! Отангиз менинг қадрдон дўстим. Уни янги машинага солиб, шаҳару қишлоқларни кўрсатинг. Уни зериктирмай, ўйнатиб-кулдириб, машинангизда олиб юринг. Хўпми?

ЙИГИТЧА (*қўлини кўксига қўйиб*). Хўп, Рашидов ота.

РАШИДОВ (*фронтчига*). Омон бўлинг, қахрамон!

ФРОНТЧИ (*кўзи ёшланиб*). Раҳмат, ўртоқ Рашидов, илоҳим соғ-омон бўлинг...

Йигитча аравагани гилдиратиб, чиқади.

-14-

Рашидов чўқур ўйга чўмиб, бироз сукутга толади.

РАШИДОВ (*хўрсиниб*). Уруш тугаганига ўттиз уч йил бўлди. Унинг аёли ҳозиргача оқ ювиб, оқ тараб боқяпти. Фарзандлари садоқат билан хизмат қилишяпти. Мана сизга замон қаҳрамонлари. (*Тўлқинланиб*). Халқимиз хавас қилса арзийдиган ажойиб халқ. Меҳр-оқибатли, рўйи андешали, ориятли халқ.

У узоқ ўйланиб қолади. Усмонхўжаев бироз тўхталиб, аста томоқ қиради.

УСМОНХЎЖАЕВ. Шароф Рашидович?

РАШИДОВ. Ҳа, Иномжон?

УСМОНХЎЖАЕВ. Жўраев келганди.

Рашидов Жўраевга қараб, унинг олдида бориб, қўл бериб сўрашади.

РАШИДОВ. Узр, ука, сизга эътибор бермабман. Яхши келдингизми?

ЖЎРАЕВ. Раҳмат, Шароф Рашидович.

РАШИДОВ. Ғалаба совхозида нима гаплар?

ЖЎРАЕВ (*шаҳдам*). Хар йили планни бажаряпмиз.

РАШИДОВ (*мамнун*). Аха! Баракалла!

УСМОНХЎЖАЕВ. Мажбуриятниям бажаряпти.

РАШИДОВ. Жуда яхши, Жўраев. Нима камчилик бор?

ЖЎРАЕВ. Ҳамма нарсамиз етарли, Шароф Рашидович.

РАШИДОВ. Совхоз қурилганига уч йил бўлди, шундайми?

ЖЎРАЕВ. Ҳа, уч йил.

РАШИДОВ. Йўллар асфальтландими?

ЖЎРАЕВ. Ҳа, асфальтланди.

РАШИДОВ. Фермангиз каттами?

ЖЎРАЕВ. Хозирча фермамиз йўқ.

РАШИДОВ (*бир муддат тикилиб*). Унда... Болалар боғчаси нима бўляпти? Болаларга сутни қаердан оляпсиз?

ЖЎРАЕВ (*чайналиб*). Ҳим... ҳалиги... Ҳали бизда боғча йўқ.

Рашидовнинг асаби бузилиб, нари-бери юра бошлайи.

РАШИДОВ (*бироз баланд*). Бу қанақаси бўлди?! Бутун бошли совхозда боғча йўқми?

ЖЎРАЕВ (*бошини эгиб*). Йўқ...

РАШИДОВ. Дехқонларнинг болалари қаерда?

ЖЎРАЕВ. Улар... улар дала шийпонида...

РАШИДОВ. Мен сизларга “медпункт, боғча, мактаб, маданият уйи қурилишини бошланглар”, деб тайинлаб келгандим. Ҳалигача ҳеч нарса қилинмадими?

ЖЎРАЕВ. Хозирча йўқ, Шароф Рашидович...

РАШИДОВ. Ҳеч бўлмаса, лойиха билан сметалар тайёрдир?

ЖЎРАЕВ. Биз асосан дала ишлари билан...

Рашидовнинг асаби бузилиб, нари-бери юришга бошлайди. Усмонхўжаев ва Жўраев саросимага тушиб, безовталаниб қоладилар. Рашидов уларга тикилиб бош чайқайди.

РАШИДОВ (хўрсиниб). Ишлашга шароит бор, яшашга эса йўқ. Халқнинг кўзига қандай қарайсизлар?

УСМОНХЎЖАЕВ (бош эгиб). Бу хатони албатта тузатамиз, Шароф Рашидович.

РАШИДОВ. Ўтган йили келганимда қаттиқ тайинлаган эдим.

УСМОНХЎЖАЕВ (дафтарчасига ёзиб). Шу бугундан ишга киришамиз...

РАШИДОВ. Ёзманг, Иномжон! Ўшанда ҳам ёзиб олгандингиз.

УСМОНХЎЖАЕВ (дафтарини ёнига солиб). Кечирасиз...

РАШИДОВ. Сизга “хар бир хўжаликда медпункт, болалар боғчаси, мактаб, клуб, кутубхона, кинотеатр бўлиши шарт”, деганман. Буерда бўлса хатто сут фермаси йўқ.

У ўзини бироз ёмон сезиб, чап кўксини уқалаб, бориб стулга ўтиради. Графиндан стаканга сув қуюди.

УСМОНХЎЖАЕВ (ташвишли). Нима бўлди, Шароф ака? Мазангиз қочдимми?

РАШИДОВ (хўрсиниб). Ҳечқиси йўқ, хозир ўтиб кетади. (Афсусда бош чайқаб). Ҳим... Ҳамма кун бўйи далада. (Хаб дори ичиб). Ҳатто гўдаклар ҳам... Ҳим... хатто гўдаклар ҳам...

Зулмат чўкади.

* * *

Олтинчи кўриниш.

ХОРУДНИНГ ХАСАДИ.

(1978 йил, куз)

-15-

Зулмат қаърида. Велончель ижросида совуқ, лекин илдам оҳангларда куй янграйди. Саҳнанинг икки томонидан, қоронгулик ичида Андропов ва Цвигун кирадилар. Юқоридан қизғин нур дастаси тушиб, уларнинг юзини ёритади.

АНДРОПОВ. Ўртоқ Цвигун, Рашидовнинг китобларини ўқиганмисиз?

ЦВИГУН. Ўқиганман. У – маҳоратли ёзувчи.

АНДРОПОВ. Олий Кенгашга қачон раис бўлган?

ЦВИГУН. 1950 йилда.

АНДРОПОВ. Ўшанда у бор-йўғи 33 ёшда эди.

ЦВИГУН. Ҳа, иттифоқ бўйича энг ёш кадр. Уни хатто Сталин яхши кўрарди.

АНДРОПОВ. У эса йигирманчи съездда Сталинни қоралаб бош кўтарди. Қатағон қурбонларини ҳимоя қилди. Натижада, Хрушчёв уни энг катта лавозимга тайинлади. У Хрушчёвнинг бошини айлантириб, Мирзачўл

учун тўрт ярим миллиард маблағ ундирди. Олтмиш тўртинчи йилдаги пленумда эса Хрущёвнинг ўзини қоралаб чиқди.

ЦВИГУН. Унинг танқидлари ўринли танқид эди.

АНДРОПОВ. Йўқ, унинг бош мақсади, янги раҳбарларни қўлга олиш эди. Рашидов, раҳбарларни авраб, яна катта маблағ ундирди. Юзлаб тўғонлар, электр станциялар, заводлар қурди. Катта каналлар қазиб, чўл зоналарига сув олиб келди. Янги шаҳар-қишлоқлар барпо қилди. Пойтахтни зилзила бахонасида қайтатдан қурдирди. Иттифоқ бўйича еттинчи метро Тошкентда қўрилди. Унутманг, бу метро дунё бўйича ўттиз еттинчи метро эди.

ЦВИГУН. Буларнинг ҳаммаси хайрли ишлар.

АНДРОПОВ. Йўқ, ўртоқ Цвигун! Рашидов пихини ёрган одам. У иттифоққа пахта бераман, деб, давлатдан жуда катта маблағ ундирди. Аммо ўша пахта қоғозда бор, амалда – йўқ.

ЦВИГУН. Буни аввал исботлаш керак.

АНДРОПОВ. Сиз Брежневнинг қизи билан куёвига компрамат йиғдингизми?

ЦВИГУН. Йўқ, Юрий Владимирович.

АНДРОПОВ. Нега имилляяпсиз?

ЦВИГУН. Бу компрамат нима учун керак?

АНДРОПОВ. Рашидовнинг кирдикорларини очиш учун.

ЦВИГУН. Бунга ҳожат йўқ, Юрий Владимирович. Кавказга эътибор каратинг, энг катта коррупция Кавказ билан Москвада.

АНДРОПОВ. Менга ақл ўргатманг! Тез-да компрамат йиғинг. Улар нега Ўзбекистонга серкатнов бўлиб қолишди? Нега қария Тошкентга чопаверади, ҳаммасини аниқланг.

ЦВИГУН (*нафаси қисилиб*). Мен бу топшириқни бажаролмайман.

АНДРОПОВ (*совуқ, таҳдидли*). Бу ишни ипидан игнасигача ўрганинг. Акс ҳолда...

ЦВИГУН. Нима, акс ҳолда?

АНДРОПОВ. Ё буйруқни бажар, ё ўзингни от!

Цвигун бир сапчиб, асабдан қалтирай бошлайди.

ЦВИГУН. Шу гапимни унутманг, ўртоқ Андропов! Сиз бошлаган ички ва ташқи сиёсат, катта офатларга сабаб бўлади! Сиз... Сиз...

У кескин бурилиб, илдам юриб, чиқади. Ташқаридан ўқ овози эшитилади.

АНДРОПОВ (*гудраниб*). Аҳмоқ...

Зулмат чўкади.

* * *

Еттинчи кўриниш.
ЎҚИТУВЧИ ОРЗУСИ
(1978 йил, куз.)

Шодиёна куй янграйди. Мактаб қўнғирози ва ўқувчи болаларнинг овозлари эшитилиб тургач, саҳна ёришади. Мактаб ховлиси. Ўртада стол ва стуллар қўйилган. Орқа томонда икки қаватли янги мактаб биноси кўзга ташиланади. Рашидов, Оқйўлбек ва Салтанат кирадилар.

РАШИДОВ. Мен мактабда ишлаган вақтларда ўқитувчилар етишмасди. Ўн етти ёшимда дарс беришга бошлаганман. Ёш бўлганим учунми, билмадим, синф хонасига кирганимда қаттиқ хаяжон босарди. Сизларда ҳам шундай бўлганми?

ОҚЙЎЛБЕК. Янги ишга келганимда мендаям бўлган.

САЛТАНАТ. Мен ҳам хаяжонда дарс ўтардим.

РАШИДОВ. Ўқитувчи, аслида, хис-хаяжон билан, яйраб дарс ўтиши керак. Ана шунда ўқувчи ҳам хаяжон билан тинглайди, синфда яйраб ўтиради. Натижада, ўтилган дарсни тўлиқ ўзлаштиради. Буни психолог олимлар аниқлашган. Бу ҳақда ўқиган бўлсанглар керак.

ОҚЙЎЛБЕК. Ҳа, албатта.

РАШИДОВ. Ўқитувчи болаларга меҳрибон, ғамхўр мураббий бўлиши керак. Бола мактабда яйраб, эркин яшаса, яхши билим олади. Ёш авлод қанча кўп билим олса, келажак ҳаётимиз шунчалик фаровон бўлади. Бунинг учун бизга энг аввало мактаб керак. Мактабга эса фидоий ўқитувчилар керак. *(Мактаб биносини томоша қилиб, мамнун)*. Мана, ҳамкасблар, мактаб ҳам, кутубхона ҳам битди. Сизларга маъқул бўлдими, шуни айтинглар?

САЛТАНАТ. Жудаям хурсандмиз, Шароф Рашидович!

ОҚЙЎЛБЕК. Мактабимиз районда ягона мактаб бўлди!

САЛТАНАТ. Ҳамма бизга хавасда!

ОҚЙЎЛБЕК. Катта раҳмат сизга, Шароф Рашидович!

РАШИДОВ. Менга эмас, меҳнаткаш халқимизга раҳмат, денг, Оқйўлбек. Бу мактаб халқнинг меҳнат-захмати билан бунёд бўлди. Халқимиз нимага эришган бўлса, оғир меҳнат билан, пешона тери билан эришди. Буни унутмаслик керак. *(Тўхталиб)*. Айтмоқчи, нимага сизнинг исмингиз Оқйўл?

ОҚЙЎЛБЕК. Мен туғилганда отам урушда эканлар. “Отасига оқ йўл бериб, эсон-омон уйга қайтсин,” деб шундай исм қўйишган экан.

РАШИДОВ *(қизиқиб)*. Анавини қаранг! Отангиз қайтдими урушдан?

ОҚЙЎЛБЕК. Ҳа, қайтдилар.

РАШИДОВ *(завқланиб)*. Хосиятли киши экансиз, Оқйўлбек! Сиздан бир илтимос. Менга болалар учун тайёрланган шарбатдан олиб келинг.

ОҚЙЎЛБЕК. Бугун фақат сабзи шарбати бор.

РАШИДОВ. Бўлаверади. Болаларнинг овқатидан ҳам олиб келинг.

ОҚЙЎЛБЕК. Гуруҳга тайёрланган овқатданми?

РАШИДОВ. Ҳа, ўша овқатдан. Болаларга қандай сузилса, шундай сузиб беришсин.

ОҚЙЎЛБЕК. Хўп.

У қўлини кўксига қўйиб, чиқади.

-17-

Сумка кўтарган икки қиз ва бир ўғил бола ўқувчилар кирадилар ва салом бериб ўта бошлайдилар.

БОЛАЛАР. Ассалому алайкум!

РАШИДОВ (*юзи яшнаб*). Алайкум ассалом! Қани, болаларим, берирок келинглари-чи!

Болалар иккиланиб тўхталадилар ва Салтанатга қарайдилар.

САЛТАНАТ (*имлаб, чақириб*). Келаверинглари, ўқувчилар, уялманглари.

Ўқувчилар яқинлашадилар. Рашидов ўқувчилар билан қўл бериб сўрашади.

РАШИДОВ. Хўш, азаматлар! Ўқишлар қандай? Яхши ўқияпсизларми?

ЎҚУВЧИЛАР. Яхши ўқияпмиз!

РАШИДОВ. Баракалла! Янги китобларингни мен ҳам бир ўқий. Қани китобларни беринглари-чи.

САЛТАНАТ. Гулчехра, сумкангни бер.

Салтанат ўқувчи қиз Гулчехранинг сумкасидаги китобларни олиб, столга қўяди. Рашидов стулга ўтиради ва хар бир китобни очиб, бирсидра варақлаб, диққат билан назардан ўтказади.

РАШИДОВ (*бош силкиб*). Ҳа, яхши, яхши. (*Китобларни қайтариб*). Ҳаммалари кундалик дафтар тутишадими?

САЛТАНАТ. Ҳа, тутишади.

РАШИДОВ. Қани, қизимнинг баҳоларини кўрайлик-чи? Баҳолар аъломи, қизим?

ГУЛЧЕХРА. Мен “4” билан “5” га ўқийман.

Салтанат Гулчехранинг кундалигини сумкадан олиб, Рашидовга узатади.

РАШИДОВ (*кундаликни олиб*). Сиз фақат “5” бахога ўқинг. Бўптими, қизим?

ГУЛЧЕХРА. Бўпти.

РАШИДОВ. Дадангиз, ойингиз кундаликни текширишадими?

ГУЛЧЕХРА. Ҳа, хар куни текширишади.

РАШИДОВ. Жуда яхши. Келажакда олим бўлиш учун аъло баҳоларга ўқиш керак, қизим. (*Кундаликни текшириб, мамнун*). Баракалла, Гулчехра, баракалла! Кеча адабиётдан “5” бахо олибсизда?

ГУЛЧЕХРА. Аямиз “Ўзбекистон” шеърини ёдлаганим учун “5” кўйдилар.

РАШИДОВ. Шунақами? Бу шеърни ким ёзган? Қани, айтинг-чи?

ЎҚУВЧИЛАР (*баробарига*). Ҳамид Олимжон!

РАШИДОВ (*қувониб*). Ўхў-ў, ҳамманглари биласизларми?

ЎҚУВЧИЛАР. Ҳа, биламиз!

РАШИДОВ. Ким ёддан ўқийди?

ГУЛЧЕХРА (*қўлини кўтариб*). Мен! Мен ўзим ўқий!

РАШИДОВ (бош силкиб). Ўқинг!

ГУЛЧЕХРА (баланд ўқиб).

Водийларни яёв кезганда,
Бир ажиб ҳис бор эди манда.
Чаппар уриб гуллаган боғин,
Ўпар эдим ватан тупроғин.
Одамлардан тинглаб ҳикоя
Ўсар эди шоирда ғоя.
Дарёлардан куйлаб ўтардим,
Эртакларга кулоқ тутардим...

Гулчеҳрани сир босиб, ўқишдан тўхтаб қолади. Хаяжон билан тинглаётган Рашидов ўрнидан туриб кетади ва шеърнинг давомини ўқийди.

РАШИДОВ (тантанали, баланд).

Ҳаммасини тинглардим, аммо,
Ўхшашини топмасдим асло.
Ўхшаши йўқ бу гўзал бўстон,
Достонларда битган гулистон —
Ўзбекистон дея аталур,
Уни севиб эл тилга олур.

Балли, Гулчеҳра, жуда яхши ўқидингиз, қизим. Озгина хаяжонландингиз, шунинг учун тўхталиб қолдингиз. Лекин баҳонгиз “5”! (Ўқувчиларга). Болаларим, яхши ўқинглар, кунт билан ўқинглар. Ота-оналарингиз далада меҳнат қилиб, сизларни чиройли кийинтириб, чиройли тарбиялашяпти. Сизлар бунга жавобан яхши ўқиб, олим бўлишинглар керак. Олим бўлсанг — олам сеники. Тўғримми?

ЎҚУВЧИЛАР. Тўғри.

РАШИДОВ. Боринглар, болаларим, дарсдан кеч қолманглар, борақолинглар.

Салтанат китобларни Гулчеҳранинг сумкасига солиб, уларга ишора қилади. Болалар одоб билан чиқадилар.

-18-

Оқйўлбек кичик патнисда бир стакан шарбат, косада овқат ва қирқилган нон билан киради. Патнисни столга қўяди.

ОҚЙЎЛБЕК. Мана, Шароф Рашидович, айтган овқатингизни олиб келдим.

РАШИДОВ. Раҳмат, Оқйўлбек.

ОҚЙЎЛБЕК. Билмадим,.. сизга манзур бўлармикин...

РАШИДОВ. Болаларга ёққан бўлса, менга ҳам ёқади.

ОҚЙЎЛБЕК. Уларга ёқади.

РАШИДОВ. Қолдирмай еб қўйишадими?

ОҚЙЎЛБЕК. Ҳа, иштаҳа билан ейшади.

РАШИДОВ. Ундай бўлса, жуда соз. (*Стулга ўтириб*). Сизлар бемалол, ҳамкасблар. Ўқувчилар кутиб қолишмасин.

Иккиси бош силкиб, одоб билан чиқадилар. Рашидов стаканни қўлига олиб, шарбатни томоша қилади, кейин бир хўплам ичиб кўради. Шарбатни қўйиб, қошиқни қўлига олиб, овқатдан бир хўплам ичади. Кейин пешанасини ушлаб, яна бироз ўйга чўмиб ўтиради. Яна бир-икки қошиқ ичади. Болаларга пиширилган овқат ва шарбатдан кўнгли тўлиб, бош силкиб қўяди.

Зулмат чўкади.

* * *

Саккизинчи кўриниш.
ХОРУД ХУРУЖИ
(1982 йил, ноябрь)

-19-

Зулмат қаърида. Велончель ижросида совуқ, лекин илдам оҳангларида куй янграйди. Саҳнанинг икки томонидан, қоронгулик ичида Андропов ва генеарал формасида Мелкумов кирадилар. Юқоридан қизғин нур дастаси тушиб, уларнинг юзини ёритади.

АНДРОПОВ. Ўртоқ Мелкумов!

МЕЛКУМОВ. Эшитаман, ўртоқ биринчи котиб!

АНДРОПОВ. Биз тозалов ишларини сизнинг республикангиздан бошлаймиз.

МЕЛКУМОВ. Тушундим, ўртоқ биринчи котиб!

АНДРОПОВ. Сиз бунга қарши эмасмисиз?

МЕЛКУМОВ (*шаҳдам*). Мутлақо – йўқ, ўртоқ биринчи котиб!

АНДРОПОВ. Сизга битта савол, Ливон Николаевич.

МЕЛКУМОВ. Эшитаман, ўртоқ биринчи котиб?

АНДРОПОВ. Рашидов чинакам коммунистими?

МЕЛКУМОВ (*дадил*). Ҳа, чинакам коммунист.

АНДРОПОВ. У ҳолда нега Ўзбекистонда халқ мулки талон-тарож қилиняпти?

МЕЛКУМОВ. Бу иллат ҳамма республикада бор, ўртоқ биринчи котиб.

АНДРОПОВ. Сиз саволимга жавоб беринг.

МЕЛКУМОВ. Ҳамма ҳам хато қилади, ўртоқ биринчи котиб. Шароф Рашидов, халол-пок, донишманд инсон.

АНДРОПОВ. Хўш, бу донишманднинг хатоси нимада?

МЕЛКУМОВ. У ҳаммага ишонади, ҳаммани ўзига ўхшатади.

АНДРОПОВ. Халқ Рашидовни яхши кўрадимиз?

МЕЛКУМОВ. Ўзбеклар уни “ота” деб улуғлайдилар.

АНДРОПОВ (*захарханда*). Ҳим “ота” денг... Нима сабабдан Рашидов афғон инқилобига қарши чиқди?

МЕЛКУМОВ. Менимча, у қарши эмас.

АНДРОПОВ. Нега унда урушни тўхтатишни талаб қилди?
МЕЛКУМОВ. Мен ҳам шунга хайронман.
АНДРОПОВ (*тагдор*). Генерал Цвигун ўзини ўзи отди. Ўйлайманки сиз бунгача бориб етмайсиз.
МЕЛКУМОВ (*титраб, тутилиб*). Ҳим... мен... мен...
АНДРОПОВ. Вазифасини бажаролмаган раҳбар ё ишдан, ёки ҳаётдан кетиши керак. Шундай эмасми, ўртоқ Мелкумов?
МЕЛКУМОВ (*ранги ўчиб, гоз туриб*). Худди шундай, ўртоқ биринчи котиб..!
АНДРОПОВ. Сиз кў-ў-ўп топшириқларни бажармагансиз.
МЕЛКУМОВ. Бу ишда менинг айбим йўқ...
АНДРОПОВ (*тагдор*). Ёки у билан маслакдошмисиз?
МЕЛКУМОВ (*овози титраб*). Мутлақо йўқ, ўртоқ биринчи котиб! У билан маслакдош эмасман. (*Ўзини ростлаб*). Чиндан ҳам Рашидов кейинги йилларда партия ғояларига зид иш кўрди.
АНДРОПОВ. Хўш-хўш?
МЕЛКУМОВ. Миллатчи шоирларни, ёзувчиларни ҳимоя қилди.
АНДРОПОВ. Энди у ҳеч кимни ҳимоя қилолмайди.
МЕЛКУМОВ. Тушундим...
АНДРОПОВ. Бугундан эътиборан республика бўйлаб тозалов ишларини бошлайсиз.
МЕЛКУМОВ. Эшитаман, ўртоқ биринчи котиб!
АНДРОПОВ. Рашидовнинг ижтимоий ва оилавий ҳаётини фош қиласиз.
МЕЛЕКУМОВ. Лекин... унинг оиласи намунавий оила.
АНДРОПОВ. Бўлмаса, ҳамтовоқ улфатларига компрадат тўпланг.
МЕЛКУМОВ. Рашидов ҳеч ким билан улфатчилик қилмайди.
АНДРОПОВ. Қариндош-уруғларини, яқин дўстларини текшириб кўринг.
МЕЛЬКУМОВ. Эшитаман, ўртоқ биринчи котиб!
АНДРОПОВ. Сизга бир савол; омборларда олти миллион тонна пахта борми ё йўқми?
МЕЛЕКУМОВ. Менимча, олти миллион чиқмайди..
АНДРОПОВ. Тушунарли, тушунарли. Ишга киришинг, Ливон Николаевич.
МЕЛЬКУМОВ. Хўп бўлади, ўртоқ биринчи котиб!
АНДРОПОВ. Рашидовга етказиб кўйинг! Ё аризасини ёзсин, ёки ўзини отсин.
МЕЛКУМОВ (*ларзага тушиб*). Мен... ахир...
АНДРОПОВ (*тахдидли*). Жавобингизни кутяпман!
МЕЛЕКУМОВ. Эшитаман, ўртоқ биринчи котиб!
У ҳест бериб, шаҳдам юриб чиқади. Андропов кўзойнагини ечиб, артади.
АНДРОПОВ (*тишини гижирлатиб*). Алвидо, Рашидов..!

Қизил нур дастаси сўниб, бутунлай зулмат чўкади.

* * *

Тўққизинчи кўриниш.
ЎҚИТУВЧИ АЛЬБОМИ
(1984 йил)

-20-

*Аста-секин сахна ёришади. Мактаб ховлиси. Мактаб ичкарасидан
Мудира ва альбом кўтарган Салтанат чиқиб келадилар.*

МУДИРА. Рашидовнинг девордаги суратлари олинди?

САЛТАНАТ (сўниқ). Ҳа, олинди.

МУДИРА. Номи ёзилган бирон нарса қолмадими?

САЛТАНАТ. Йўқ, қолмади.

МУДИРА. Китоблари-чи?

САЛТАНАТ. Китобларниям йўқ қилдик.

МУДИРА. Қаерга йўқ қилдингиз?

САЛТАНАТ. Мен уйимга олиб кетдим.

МУДИРА. Чакки қилибсиз, уларни ёндириб юборинг.

САЛТАНАТ. Хўп.

МУДИРА. Дарсликдаги суратларини қирқиб ташланглар. САЛТАНАТ.
Хўп.

МУДИРА. Асари бор саҳифаларни қирқинглар.

САЛТАНАТ. Хўп, аяжон.

МУДИРА (синчиков, тикилиб). Ростдан ҳеч нарса қолмадими?

САЛТАНАТ. Хотиржам бўлинг, ҳеч нарса қолмади.

МУДИРА. Қўлингиздаги нима?

САЛТАНАТ. Альбом.

МУДИРА. Қанақа альбом?

САЛТАНАТ. Менинг шахсий альбомим.

МУДИРА. Мактаб кўрилишидаги альбом қани?

САЛТАНАТ. Ўша альбом мана шу.

МУДИРА. Уни менга топширинг.

САЛТАНАТ. Нима қилмоқчисиз?

МУДИРА. Йўқ қилиш керак.

САЛТАНАТ. Яхшиси, уйимга олиб кетаман.

МУДИРА. Сизга нима бўлди?

САЛТАНАТ. Ҳеч нарса бўлгани йўқ.

МУДИРА. Салтанат, ўйлаб иш қилинг.

САЛТАНАТ. Бу альбомни уйимга яшириб қўяман.

МУДИРА. Нима бало, сиз ҳам Рашидовчимисиз?

САЛТАНАТ. Ҳа, Рашидовчиман.

МУДИРА. Рашидовчиларни қамашяпти, эшитдингизми?

САЛТАНАТ. Қатағон қурбонлари оқланди. Бир кун келиб, Рашидов ҳам оқланади.

МУДИРА (*атрофга қараб, қўрқиб*). Э, секинроқ гапиринг, деворниям қулоғи бор. (*Уф тортиб, афсусда*). Агар ўзимга қолса... Келинг, гапни кўпайтирмайлик. Альбомни йўқ қилинг, Салтанат. Биз партия фармонларини бажаришимиз шарт. Бошқа иложимиз йўқ, синглим.

САЛТАНАТ. Хўп.

МУДИРА. Соат иккида Халқ Таълимига боринг, махсус йиғилиш ўтказамиз.

САЛТАНАТ. Хўп бўлади.

Мудира илдам юриб чиқиб кетади. Салтанат альбомни варақлаб, суратларни томоша қилади.

-21-

Секин-секин одимлаб, қайғуга ботган бемор Мусаев киради.

САЛТАНАТ. Келинг, Маъруф амаки.

МУСАЕВ (*хорғин*). Ҳа, болам, тузукмисан?

САЛТАНАТ (*ташвишли*). Мазангиз қочдимми, амаки? (*Стул олиб келиб қўйиб*). Ўтиринг, дам олинг.

МУСАЕВ. Йўлдан ўтаётиб раҳматли Шарофжон эккан чинорларни кўриб қолдим. Босиб ўтишга кўзим қиймади. (*Стулга ўтириб*). Ҳа-а-а, қаригандан кейин ҳолинг шу эканда, болам. (*Чинорлар томон термулиб*). Анчагина баландлаб қолишибди. Уларни суғоряпсизларми?

САЛТАНАТ. Ҳа, албатта.

МУСАЕВ. Парвариш қилаверинглар, болам. Келажакда сизларни ёзнинг жазирасидан асрайди. Экилганига қанча бўлди?

САЛТАНАТ. Беш йил.

МУСАЕВ. Беш йил ҳам бирпасда ўтиб кетибди. Одамнинг умри шунақа қисқа экан. Оқар дарёдек оқиб, ўтаркану кетаркан. Аммо бу чинорлар хали кўп яшайди. Невара-чевараларимиз ҳам соясида ўтиради.

-22-

Қўлида бир неча китоблар билан асаби бузилган Оқйўлбек киради.

ОҚЙЎЛБЕК. Салтанат, альбомни олдингизми?

САЛТАНАТ. Олдим.

ОҚЙЎЛБЕК. Мудир китобларни йиғиб беринглар деб буюрди. Шу китобларни зўрға олиб қолдим. Аввалроқ яшириб қўйсак бўларкан. (*Мусаев билан сўрашиб*). Раис бува, тузукмисиз?

МУСАЕВ. Тузукман, болам. Ўзинг қалайсан? Нимага куйиб-пишяпсан?

ОҚЙЎЛБЕК. Э, кўрмайсизми буларни! Рашидов отанинг китобларини билан расмларини овлаб юришибди. “Кўзимнинг олдида йўқ қиласан”, дейди! Китобларда нима гуноҳ!

САЛТАНАТ. Мен ҳам альбомни зўрға сақлаб қолдим.

МУСАЕВ (*қўлини чўзиб*). Менга узат-чи албомингни, Салтанат, бир томоша қилай.

САЛТАНАТ. Сизда суратлари йўқми?

МУСАЕВ. Бор. (*Альбомни олиб, томоша қилиб, гамгин*). Ҳим... Бахорда келган даври экан. Ўша йилларда юраги безовта қилиб, мазаси қочиб турарди. Фашистнинг ўқи ўшанда ўлдира олмаганди. Бу сафар фашист ниятига етди. Унга ҳам худонинг айтгани бордир...

ОҚЙЎЛБЕК (*асабийлашиб*). Эҳ, дунё чаппа айланиб кетди-я!

МУСАЕВ (*альбомни варақлаб*). Парво қилма уларга.

ОҚЙЎЛБЕК (*нари-бери юриб*). Одамларнинг гап-сўзидан асабим бузиляпти!

МУСАЕВ. Қўявер, буларнинг ҳаммаси ўткинчи гаплар, ўткинчи одамлар. Улар Рашидов эккан чинорлар соясида ҳали кўп йиллар жон сақлашади.

САЛТАНАТ. Китобларни бу ерда сақламанг, Ойқўл ака.

ОҚЙЎЛБЕК. Уйга олиб кетаман ҳаммасини.

Мусаев альбомдан бош кўтариб, унга қарайди.

МУСАЕВ. Қўлингдаги қайси китоби?

ОҚЙЎЛБЕК. “Кашмир қўшиғи”.

МУСАЕВ. Менга озгина ўқиб бер, эштай.

ОҚЙЎЛБЕК (*китобни очиб*). Қаеридан ўқий?

МУСАЕВ. Ўқийвер, дуч келган жойидан ўқи.

ОҚЙЎЛБЕК (*баланд ўқиб*). Бўрон билан Хоруд вақтинча ўз тилакларига етдилар.

МУСАЕВ (*бармогини юқори кўтариб*). Ҳа, вақтинча! Вақтинча! Ўқийвер, болам! Ўқи!

ОҚЙЎЛБЕК (*ўқиб*). Гўзал водий – Гуллар боғи Бўроннинг даҳшатли ҳамласи оқибатида, сел ва дўл оқибатида, битмас-туганмас офат оқибатида сахрога айланди.

МУСАЕВ (*ўрнидан туриб*). Ёмоннинг кўлидан фақат ёмонлик келади! Ўқи, ўқийвер!

ОҚЙЎЛБЕК (*ўқиб*). Энди бунда майсалар ҳам, чечаклар ҳам йўқ, лолалар, гуллар ҳам кўринмайди, қушлар, булбуллар ҳам сайрамайди, булоқлар қайнаб тошмайди, сувлар оқмайди, қўйлар, қўзилардан ҳам асар йўқ, чўпонлар ва дехқонлардан ҳам. Ҳаёт ва бахтнинг, ўсиш ва юксалишнинг ашаддий душманлари бўлган Бўрон билан Хоруд қадами етган чаман ана шундай тап-тақир ер, кимсасиз бўшлиқ, одам юрса оёғи, қуш учса қаноти қуядиган дашт-биёбон бўлиб қолди.

МУСАЕВ. У бир умр дашту биёбонни обод қилиш учун курашди!

ОҚЙЎЛБЕК (*ўқиб*). Одам боласига ризқ-рўз бағишлаган дехқончиликнинг азалий душмани Хоруд, эндиликда гулларнинг заъфарон япроқларига, сўлғин вужудларига шира бўлиб ёпишиб, уларнинг қонини симириб, танасини кемириб, барча ҳаёт томирларига захар сочарди.

МУСАЕВ (*муштини тугиб*). Ҳа, Шарофжон, ҳа! Улар ана шундай аблаҳ эдилар! Ана шундай!

Зулмат чўкади.

* * *

Ўнинчи кўриниш.
ХОТИМА
(2018 йил, куз)

-23-

Мактаб ховлиси. Ора-чора болаларнинг шовқин-суронлари эшитилиб туради. Кўнгироқ чалиниб, овозлар тиниб, сукунат чўкади. Оқйўл ака ва Журналист кирадилар.

ОҚЙЎЛ АКА. Мактабимиз сизга ёқдими?

ЖУРНАЛИСТ. Жуда ажойиб, Оқйўл амаки.

ОҚЙЎЛ АКА. Кутубхона-чи?

ЖУРНАЛИСТ. Бундай кутубхонани биринчи бор кўришим. Ўзига ҳос, кенг, ёруғ. Уни қайта ишга туширса бўлармикин?

ОҚЙЎЛ АКА. Афсуски, бунга имкон йўқ.

ЖУРНАЛИСТ (*ачиниб*). Эҳ, қирқ йил аввал гуркираб ишлаган кутубхона бугун қаровсиз ҳолда. Вахоланки, беш ташаббуснинг биттаси – китобхонликни ривожлантириш.

ОҚЙЎЛ АКА. Шунинг учун айтаманда, ўтмишга тўғри баҳо бериш керак. Ҳазрат Навоий айтадилар: Оғзига келганни демак – нодоннинг иши. Олдига келганни емак – ҳайвоннинг иши. Ажойиб байтлар, тўғрими?

ЖУРНАЛИСТ. Тўғри, устоз.

ОҚЙЎЛ АКА. Ўтмишга тош отиб яшаган эл униб-ўсмайди. Ўтмишдан сабоқ олиб яшаш керак. Биз ҳолимизга яраша яшадик, кўлимиздан келганича ишладик, энди навбат сизларга. Қанча зўр бўлсанглар ўзингларни гапда эмас, амалда кўрсатинглар.

Журналист жилмайиб, қўл қовуштиради.

ЖУРНАЛИСТ. Узр, устоз, бу менга катта сабоқ бўлди. Рашидов ота ҳақларида фикрим ўзгарди. Дилимда хурмат-эҳтиром пайдо бўлди. Бу ҳақда яна кимдан маълумот олсам бўлади?

ОҚЙЎЛ АКА. Истасангиз сизни Салтанат Собировна билан учраштираман.

ЖУРНАЛИСТ (*қувониб*). Салтанат опамиз ҳаётмилар?

ОҚЙЎЛ АКА. Худога шукур, Салтанат ҳалиям бардам. Ҳозир ҳам маориф соҳасида ишлайди.

ЖУРНАЛИСТ. Қишлоққа келганим жуда яхши бўлдида! Опамизнинг альбомлари сақланиб қолганмикин?

ОҚЙЎЛ АКА. Ҳаммасини буст-бутун сақлаб қолганмиз. Биз Шароф отанинг содиқ фарзандларимиз. Биз учун у – устоз, оддийгина ўқитувчи. Унинг номи оқланиб, эъзозланганидан жуда хурсанд бўлдик. (*Атрофга ишора қилиб*). Менга баъзан Рашидов шу ерга келиб, сайр қилиб юргандек бўлиб туюлади. Хаёлимда у ўзи эккан чинорларни томоша қилиб, соя-салқинида дам олади.

Оқйўл ака қўли билан олдинга ишора қилади. Иккиси чиқадилар. “Кашир қўшиғи” достонидан “Оламда гуллар яшар” қўшиғи янграшга бошлайди. Сахна ранг-баранг нурлардан ёришиб, сеҳрли тус олади. Қўлида блакнот ва ручка билан Рашидов киради. У ўйга чўмиб, блакнотига ёзади. Кейин мактаб биноси ва чинорларни томоша қилади. Сахна осмонга айланиб, уни оқ булут қоплайди. Рашидов булутлар орасига кириб зойиб бўлади. Қўнғироқ садоси янграб, болаларнинг қий-чув, қах-қаха товушлари янграйди.

П А Р Д А